



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريديّة - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



1/2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري)** – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ)** – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد)** – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўймитасининг 2023 йил 7 мартағи 03-07/1503-сонли холосаси асосида тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

<b>Nigora Yusupova.</b> Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари .....	3
<b>Shoislom Akmalov.</b> Янги Ўзбекистон маърифий такомилида илмий марказларнинг ўрни .....	12
<b>Ihomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.</b> “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари .....	19
<b>Nematulla Nasrullahayev.</b> Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида .....	29
<b>Muhabbatkhan Agzamova.</b> “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши .....	41
<b>Nigora Khakimova.</b> “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши ...	48
<b>Bakhodir Daminov.</b> Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили .....	55
<b>Bakhodir Pirmukhamedov.</b> Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси .....	65
<b>Akhmadkhan Alimov.</b> Мотуридий уламоларининг қалом илми ривожига қўшган ҳиссаси .....	72
<b>Abdulaziz Yakhshilikov.</b> Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишининг назарий масалалари .....	83
<b>Ikhtiyor Abdurahmonov.</b> “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи .....	91
<b>Mamurjon Erkayev.</b> Ижара ақди билан боғлик оятлар таҳлили .....	98
<b>Nodir Shomirzayev.</b> Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи .....	107
<b>Ulugbek Jorayev.</b> Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили .....	118
<b>Jasurbek Abduqodirov.</b> The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan .....	124
<b>Pirnazar Rajapov.</b> Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) .....	130
<b>Абу Мансур Мотуридий</b> (тарихий романдан парча) .....	140

**Ikhtiyor B. ABDURAHMONOV,**  
Chief research fellow of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center:  
11, A.Kadiri str. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: abdurahmonov.90@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/11

**“ШАРХ АТ-ТА’ВИЛОТ”  
АСАРИ ҚҮЛЁЗМАЛАРИНИНГ  
МАНБАШУНОСЛИК ТАВСИФИ**

**CODICOLOGICAL DESCRIPTION  
OF MANUSCRIPTS OF “SHARH AT-  
TA’WILAT”**

**ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ  
РУКОПИСЕЙ ТРУДА “ШАРХ АТ-  
ТАВИЛОТ”**

**КИРИШ**

Мовароуннахр фикъ мактабининг йирик алломаси, акоид, тафсир, усул ал-фикъ, фуруъ ал-фикъ ва калом илмлари мохири, ўз даврининг етук фаҳихи ва муфассири Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144–45) бир қатор қимматбаҳо асарлар ёзib қолдирди. У нафақат ҳанафий мазҳаби етук фаҳихи, ақида олими, балки Қуръони карим тафсири бўйича катта муфассир ҳисобланади. Унинг Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарига ёзган “Шарҳ ат-Таъвилот” асари тафсир илмида мўътабар манбалардан биридир.

Дунё кутубхона фондларида “Шарҳ ат-Таъвилот” асарининг 10 дан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд. Ушбу нусхаларнинг бир қисми тўлиқ, бир қисми эса, баъзи қисмларни ўз ичига олади. Илмий иш давомида мазкур қўлёзмалардан 12 тасининг электрон нусхалари жамланди. Улардан иккитасида асар тўлиқ қўчирилган. Бири Сулаймония кутубхонаси Ҳамидия фондидаги 176 рақамли қўлёзма, иккинчиси Тўпқопи кутубхонасидаги 179 рақамли қўлёзма. Лекин Ҳамидия нусхасида Каҳф сурасидан кейин “Таъвилот ал-Қуръон”нинг ўзи бўлиб, унда шарҳ мавжуд эмас (Bekir Topaloğlu, 2019). Қолган нусхалар орасида ҳам бир қанча қийматлилари мавжуд бўлиб, уларда асар тўлиқ эмас.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

“Шарҳ ат-Таъвилот” қўлёзмаларнинг энг қадими нусхаларидан иккитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида мавжуд бўлиб, 3249 ва 3155 рақамлари остида сақланади (Muminov A., 1998). Буларнинг ҳар иккиси ҳам Ҳожа Муҳаммад Порсо кутубхонасидандир.

ЎзРФА ШИ 3249 рақамли қўлёзма нусхаси қимматли қўлёзмалардан ҳисобланади. Асар 695/1295 йил муҳаррам/ноябрь ойида ёзилган бўлиб, Қуръоннинг аввалги уч жузи (1–3 жузлар) тафсирини қамраб олади. У Муҳаммад ибн Муслим ибн Мўмин томонидан қўчирилган. Котиб “Имод ал-Қалъа” (Қалъа устуни) номи билан танилган. Бу қўлёзма 318 варакдан иборат бўлиб, ҳар лавҳанинг чап юқори қисмида араб ҳарфлари билан варақ рақами берилган. Ҳар саҳифа бир хил услубда ёзилмаган, балки 29–33 сатрдан иборат.

Қўлёзманинг хусусияти шундаки, унда тузатишлар ҳамда бошқа нусхага мукобала (солишишторма) ҳам мавжуд. Бу асарнинг қийматини янада оширади.

Унинг энг дикқатга сазовор жойи унинг сарварағидир. Унда икки иснод келтирилган. Қўлёзманинг сарварағи шундай иборалар билан бошланади:

إسناد تصانيف علم الهدى رئيس أهل السنة أبي منصور الماتريدي  
– رضي الله عنه وأبااته الجنة – قال: أخبرنا الشيخ الإمام العالم الرباني  
محمد بن نصر البخاري، قال: أخبرنا الشيخ الإمام شمس الدين محمد بن عبد السtar  
الحبر الرحاني صاحب الأصول والفروع شمس الدين محمد بن عبد السtar  
بن محمد العمادي الكردري – رضي الله عنه، تغمده الله بالرحمة والرضوان  
– قال: أخبرنا الشيخ الإمام نجم الدين أبو حفص عمر بن محمد بن أحمد  
النسفي، قال: أخبرنا الشيخ الإمام القاضي أبو اليسر محمد بن الحسين بن عبد الكريم  
عن الشیخ العلیم الحبر الرحیني النسفي، عن أبيه، عن جده، عن أبيه عبد الكريم،  
بن محمد الماتريدي السمرقندی – تغمده الله بالرحمة والرضوان.

“Аҳли сунна раиси, ҳидоят байроби Абу Мансур Мотуридий асарларининг санади, Аллоҳ ундан рози бўлсин, жаннатига киритсан: шайх, имом Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорий (ваф. 693/1294)<sup>1</sup> бизга етказди. У айтди: ‘Бизга шайх, раббоний имом, раҳмоний олим, усул ва фуруъ илмлари соҳиби Шамсиддин

<sup>1</sup> У 615 йили Бухорода таваллуд топган. У ривоят ва кўп ҳадис эшитган деган ном билан машҳур бўлган, ишончли, муҳаққиқ, ҳофиз катта олимлардан бўлган. Ундан Ҳусомиддин Сигнокий, Аҳмад ибн Асьад, Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий, Шамсуддин Маҳмуд Калободийлар таълим олган. У Шамсул аимма Кардарий, Абул Фазл Убайдуллоҳ Маҳбубий кабилардан таълим олган. Қаранг: Лакнавий. Фавоид ал-Бахийя.

**Аннотация.** Мазкур мақолада Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” асари (Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарига ёзилган ягона шарҳ)нинг дунё кутубхона фондаларида сақланаётган қўлёзмалари нусхаларининг кодикологик ва манбашунослик таҳтили ёритилган. Шунингдек, мақолада қўлёзма нусхаларнинг ўзига хос жиҳатлари, хаттотлар ҳақида маълумотлар, асарнинг муқоваси ва ҳошияларида келтирилган нодир маълумотлар ҳам ўрин олган. Жумладан, Абу Мансур Мотуридий асарларининг Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Наср Бухорий (ваф. 693/1294)гача бўлган санади келтирилган. Ундан ташқари, мақолада Жоруллоҳ кутубхонаси 47 рақамли қўлёзмасининг хаттоти асли эронлик Абу Исҳоқ Домғоний ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, мақолада “Шарҳ”га ёзилган ҳошия ҳақида ҳам маълумот келтирилган. ЎзР ФА ШИ Кўлёзмалар фондида сақланаётган №3249 рақамли ҳамда Саудия Арабистони “Уммул қуро” университети қўлёзмалар фондида сақланаётган №10970 рақамли қўлёзмада бир хил изоҳ ва ҳошиялар мавжудлиги, мазкур ҳошиялар араб ва форс тилларида ёзилган бўлиб, асосан лугавий жиҳатни ёритишга қаратилгани, шунингдек, ҳошияда бошқа тафсир китоблардан нақлларни ҳам учратиш мумкинлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** Мотуридий, Насафи, Самарқандий, тафсир, “Таъвилот ал-Қуръон”, “Шарҳ ат-Таъвилот”, қўлёзма, кодикология.

**Abstract.** This article covers the codicological and source studies analysis of Alauddin Samarkandi's “Sharh at-Ta'wilat” (the only commentary written on Imam Maturidi's “Ta'wilat al-Qur'an”), which is kept in the world's library collections. Also, the article includes unique aspects of manuscripts, information about calligraphy, and rare information on the cover and borders of the work. In particular, the sanad of Abu Mansur Maturidi's works up to Hafizuddin Muhammad ibn Muhammad ibn Nasr al-Bukhari (d. 693/1294) is given. In addition, the article also provides information about the calligrapher of the manuscript number 47 of the Jarullah Library, Abu Ishaq Damghani, who is originally from Iran.

In addition, the article also provides information about the hashiya written on the “Sharh at-Ta'wilat”. Manuscript №3249 stored in the Manuscript Fund of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and №10970 stored in the Manuscript Fund of the University of Saudi Arabia “Umm al-Qura” have the same annotations and hashiyas, and they are written in Arabic and Persian, and are mainly aimed at illuminating the lexical aspect. It is also noted in the hashiya that quotations from other tafsir books can also be found.

**Keywords:** Maturidi, Nasafi, Samarkandi, commentary, Ta'wilat al-Qur'an, Sharh at-Ta'wilat, manuscript, codicology.

**Аннотация.** В данной статье проводится кодикологический и источниковедческий анализ “Шарҳ ат-Та’вилат” Алауддина Самарканди (единственный комментарий, написанный на “Та’вилат аль-Коран” имама Матуриди), который хранится в фондах мировых библиотек. Также статья включает уникальные аспекты рукописей, информацию о каллиграфии и редкую информацию об обложке и полях произведения. В частности, приводится датировка сочинений Абу Мансура Матуриди до Хафизуддина Мухаммада ибн Мухаммада ибн Насра аль-Бухари (ум. 693/1294). Кроме того, в статье также приводится информация о каллиграфе рукописи № 47 библиотеки Джоруллахи Абу Исхаке Дамгани, родом из Ирана.

Кроме того, в статье также приводится информация о полях, написанных на “Комментарии”. Рукопись №3249, хранящаяся в Рукописном фонде Национальной академии наук Узбекистана, и рукопись №10970, хранящаяся в Рукописном фонде Университета “Уммул Кура” Саудовской Аравии, имеют одинаковые аннотации и поля, эти поля написаны на арабском языке и персидский, и в основном направлены на освещение лексического аспекта, а также др. Отмечается, что можно встретить и цитаты из тафсирных книг.

**Ключевые слова:** Матуриди, Насафи, Самарканди, комментарий, Та’вилат аль-Коран, Шарҳ ат-Та’вилат, рукопись, кодикология.

Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Қардариј етказди, Аллоҳ ундан рози бўлсин, раҳмат ва ризоси ила ўрасин”. У айтди: “Бизга шайх, имом Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафиј етказди. У айтди: “Бизга шайх, имом, қози Абул Юср Муҳаммад (ваф. 493/1100) ибн Муҳаммад

ибн Ҳусайн ибн Абдул Карим Насафиј (ваф. 493/1100), у – отаси (Муҳаммад)дан, у – бобоси (Ҳусайн)дан, у эса – отаси Абдул Каримдан, у эса шайх, ҳидоят байроби, аҳли суннанинг раиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандийдан етказди, Аллоҳ уни раҳмат ва ризоси ила ўрасин”.

Шунингдек, ушбу саҳифада мазкур қўлёзма “Шарҳ ат-Таъвилот”нинг биринчи жилди экани ва уни Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий шарҳлагани қайд этилган (Алоуддин Самарқандий., йили кўрсатилмаган).

Юқоридаги изоҳда мотуридий таълимоти, асарлари ўз замонасида кейинги даврлардаги-дек машҳур бўлмаганига ишора бор. Бу асар дастлаб Абдул Карим Паздавий (ваф. 999) оиласи аъзолари орасида нақл этилади. XII асрдан бошлаб эса, уламолар орасида кенг тарқала бошлайди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мотуридия таълимотининг Самарқанддан Бухорога ёйилиши тафсилотларини ҳам шу манба асосида ўрганиш мумкин (Ш.Зиёдов., 2003).

ЎзР ФА ШИда сақланадиган яна бир нусха 3155 рақамли қўлёзма бўлиб, у 656/1258 йил 10 жумадул ула/22 май куни Бухорода Имом Кардарий номидаги масжидда ёзилган. Қўлёзма жуда ноёб бўлиб, Умар ибн Муҳаммад ибн Баҳтиёр уни Имом Ҳофизиддиннинг имлоси билан кўчириган. Уни имло қилдирган “Ҳофизиддин” лақабли олим Абул Баракот Насафий бўлиши эҳтимоли юқори. Агар асар Насафийнинг имлоси билан ёздирилгани аниқ бўлса, “Шарҳ ат-Таъвилот” асари муфассир уламолар наздида ҳам мўътабар манба бўлгани ойдинлашади.

Асарнинг 1А варагида ушбу нусха “Шарҳ ат-Таъвилот”нинг иккинчи жилди экани, шунингдек, у Бақара сурасининг 243-оятидан Нисо сурасининг 60-оятигача экани қайд этилган. Лекин нусханинг 8б варагигача Бақара сурасининг 243–248-оятлари тафсири берилган. 9а варақдан бошлаб то нусханинг охиригача Нисо сурасининг 11–60-оятлари тафсири жой олган. Бу эса қўлёзма тўлиқ эмаслиги ва баъзи қисмлари йўқолганини кўрсатади.

Қўлёзма 129 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир сахифа 19 қатордан иборат. Баъзи сахифаларда Ҳожа Муҳаммад Порсонинг вақфи эканини билдирувчи муҳрлар ҳам мавжуд. Қўлёзманинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, асар ҳошиясида кичик мавзулар берилган. Шунингдек, асар асл нусхага қайта муқобала қилингани ва тузатилганини қузатиш ҳам мумкин. Қўлёзма ҳошиясида котиб ёки кейинги даврдаги китобхон томонидан киритилган баъзи тушунарсиз ибораларнинг изоҳлари ҳам мавжуд. Уламолар томонидан бундай тарзда эътибор қаратилиши ўз навбатида унинг бирмунча қадрли манба эканини кўрсатади. 31б вараги ҳошиясида “Мавлоно Ҳоғиз салламаҳуллоҳ” деган ёзув ҳам бор. Ҳоғиз

маъносида бўлиши эҳтимоли юқори. Ундан сўнг “салламаҳуллоҳ” (Аллоҳ уни саломат қилсин) дуоси эса, унинг тирик эканини ҳамда асар устознинг ҳузурида ўқилганини билдириди.

Асар қўлёзмаларидан яна бири “Жоруллоҳ” кутубхонасидаги 47 рақами қўлёзма бўлиб, бу қўлёзма 287 варақдан иборат. У насҳ хати билан кўчирилган, ҳар сахифанинг чап юқори қисмида араб ҳарфларида варақ рақами берилган. Ҳар сахифада матн бир хил услубда эмас, балки 25/29 сатрдан иборат. Асар Қаҳф сураси тафсири билан бошланиб, Ёсин сурасининг охиригача давом этади.

Нусха Абу Исҳоқ Домғоний (ваф: 682/1283) томонидан 651 йил 15 рамазон/1253 йил 14 ноябрь куни Бухорода кўчирилган. Қўлёзма асарда уни Валиюдин Жоруллоҳнинг шахсий кутубхонасига 1122 или келиб тушгани қайд қилинган ва мулк ҳақини англатувчи муҳр мавжуд. Валиюдин Жоруллоҳ ушбу нусханинг бемисл сахих нусха эканини, асосий матн Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари, унинг четида эса, Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” мавжудилигини ва бу нусхани эътибордан четда қолдирмаслик таъкидлайди.

Ушбу нусханинг аҳамияти шундаки, Домғоний уни устозининг имлоси билан кўчириган. Лекин негадир устознинг номи ўчирилган. Фақатгина унинг сифатлари қолган. Улар орасида “ҳофизул-милла вад-дин” сифат мавжудлиги туфайли назарда тутилган муфассир олим Абул Баракот Насафий (ваф: 710/1310) бўлиши ҳам мумкин.

Абу Исҳоқ Домғоний Эроннинг Симон вилоятидаги Домғон шаҳрида туғилган. Унинг тўлиқ исми Иброҳим ибн Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Тарзий Домғоний бўлиб, Бухоро шаҳрида бир қанча йиллар қолиб илм ўрганади, сўнг ўз юртига қайтади. Манбаларда унинг Сайфиддин Боҳарзий (586–659)дан дарс олгани қайд қилинган (Имом Заҳабий., 2003). Абул Ало Бухорий Калобозий (ваф: 700/1300) ҳам уни устозлари қаторида санаган ва у ҳақда шундай деган: “У киши шайх, фақиҳ, олим, фозил, зоҳид, обид, мударрис, муфтий, мазҳабнинг аслий ва жузъий масалалари билимдони эди. Қўпроқ вақтини уйида ўтказар, фақатгина масжидга ёки жомега чиқар эди. Бухорога бориб, у ерда фақиҳ бўлади ва ўз юртига қайтиб келади. Мўгуллар Хуросонга, сўнг Домғонга бостириб келгунича фатво ва дарс беришда давом этган. Аскарлар у ерлик аҳолини

азоблашади. Шайх ҳам азобланганлар қаторида бор эди. Шунда унга қаттиқ жароҳат етади ва Бистом<sup>2</sup> шаҳрига қочиб ўтади, ўша ерда вафот этади” (Юсуф ибн Тугру Берди., 1984).

Бундан маълум бўладики, XII асрда ҳам Мовароуннахрда ушбу асар илмий доирада мўътабар шарҳ ҳисобланган. Толиби илмлар “Таъвилот” асарини ўқиш билан кифояланмасдан, унинг шарҳидан ҳам кенг фойдаланганлар. Асарнинг устоз томонидан имло қилдирилиши ҳам бу фикрнинг яққол далилидир.

Сулаймония кутубхонаси Асъад Афанди фондидаги 48 рақамли қўлёзма нусхаси сифатида маълум бўлган қўлёзма ҳам бирмунча қимматли бўлиб, 386 варакдан иборат. Бу нусха насх хатида кўчирилган, ҳар саҳифанинг чап юқори қисмида варак рақами берилган, ҳар саҳифа 23 сатрдан иборат. Асар Фотиха сураси билан бошланиб Нисо сураси 68-оят тафсири билан якунланади. Ушбу қўлёзмани 715/1316-йилда Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Насафий томонидан кўчирилган. Фақат бу ердаги Насафий хижрий 710 йилда вафот этган “Мадорик ат-танзил” соҳиби Абул-Баракот Насафий эмас. Кўлёзма асарда баъзи муҳрлар ва мулк ҳақини англатган ёзувлар мавжуд. Саҳифа чеккаларида баъзи параграфлар учун сарлавҳалар қўйилган, баъзи ҳошия ва тузатишлар қилинган. Айрим калималарда харакатлар қўйилган. Шунингдек, асар бошқа нусхаларга ҳам муқобала қилинган.

Асарнинг котиби бу нусха якунида: “Шарҳ ат-Таъвилот”ни биринчи дафтаридан кўчирганлигини айтади. Бу эса бу нусханинг йўқолган бошқа қисмлари ҳам бўлганини исботлайди. Асар четидаги қўшимча изоҳлардан хаттотнинг олим экани ва тафсир илмидан хабардор экани маълум бўлади.

“Шарҳ ат-Таъвилот” асарининг яна бир қўлёзмаси Сулаймония кутубхонаси Шеҳид Али Порошо фондидаги 283 рақамли нусхадир. Ушбу нусха 421 варакдан иборат. Лекин асардаги варакларнинг ракамланиши тугатилмаган. Ҳар саҳифа 33 сатрдан иборат. Ушбу нусха ранги бўлиб, насх хатида кўчирилган. Асар Фотиха сураси билан бошланиб Анфол сураси сўнгги ояти тафсири билан якунига етади. Фуод Сезгин ва Али Ризо Қорабулут бу нусха хижрий 900 йилларда ёзилганини тахмин қилишган (Karabulut, 1990). Бироқ нусханинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани ушбу нусхада айтилмаган. Кўлёзма

асарда баъзи муҳрлар ва мулк ҳақини англатган ёзувлар мавжуд. Нусха носих томонидан асл нусхага қайта муқобала қилинган. Сура номлари, “қовлуху”, “қола” каби сўзлар билан ва муҳим ўринлар қизил ҳарфлар билан белгиланган.

Шунингдек, ушбу қўлёзма нусхасида Самарқандий тафсирининг биринчи жилди эканлиги айтилган. Бундан эса, ушбу нусханинг бошқа жилдлари ҳам бўлганини, фақат йўқолиб кетганини хулоса қилиш мумкин.

“Шарҳ ат-Таъвилот”нинг Сулаймония кутубхонаси Ҳамидийя фондидаги 176 рақамли қўлёзмаси тўлиқ нусхаларнинг бири ҳисобланади. Ушбу ёзма асар 879 варакдан, ҳар бир варак икки саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифасида 43 сатр матн бор. Бу тўлиқ бир нусха бўлиб, муаллифнинг муқаддимаси билан бошланиб, Нас сурасининг охирги ояти тафсири билан якунига етади. Ушбу нусха нақшбандия улуғларидан бирининг хизматчиси бўлган Ҳожи Аҳмад томонидан насх хатида кўчирилган. Бу нусханинг кўчирилиши 1180 йилда якунланган. Нусханинг илк варагининг устида бир муҳр ва Султон Аҳмаднинг ўғли Абдулҳамид биринчи томонидан вақф қилинганлик белгиси мавжуд.

Қўлёзма охирида берилган маълумотларда айтилишича, ушбу асарни икки муаллиф: Абу Мансур Мотуридий ҳамда Алоуддин Самарқандий таълиф этган. Бу фикр тўғри эмас. Чунки асар Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари шарҳи бўлиб, уни Алоуддин Самарқандий ёзган.

Шунингдек, “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзма нусхалари “Ал-Ҳарамул-Маккий” кутубхонасида ҳам мавжуд бўлиб, бу нусхалар кетмакет келган 529 ва 530 рақамлари остидаги икки жилдан иборат. Нусханинг ҳар саҳифаси мустақил тарзда рақамланган, ҳар саҳифа эса 50 сатрдан иборат. Бу нусха тўлиқ бўлиб муаллифнинг муқаддимасидан кейин Фотиха сураси билан бошланиб Нас сураси охирги ояти тафсири билан тугайди. Мусо ибн Абдулазиз томонидан ёзилган ушбу нусха, фарисий хат тури билан ёзилган. Ушбу нусханинг кўчирилиши хижрий 1192 йил якунига етган. Нусханинг устида бир муҳр ва Маҳмуд Хоннинг ўғли Султон Абдулмажид томонидан ҳарам шаҳар бўлган Маккайи мукарамага вақф қилинганлиги белгиси мавжуд. Шунингдек, қўлёзмада ал-Ҳарамул-Маккий шайхи ва Макка қозисининг муҳри ҳам жой олган. Ушбу нусха яхши шароитларда сакланмаганлиги учун саҳифаларининг бир

<sup>2</sup> Домғон ва Нишопур ўртасидаги катта шаҳар.

кисми намланганлигидан баъзи варакларининг ёзувлари осонликча ўқилмайди.

Миллат Кутубхонасида ҳам ушбу “Шарҳ”-нинг иккита: 229 ва 230 рақамли қўлёзмалари сақланади. “Жоруллоҳ” нусхаси сифатида маълум бу ёзма асар кетма-кет келган 229 ва 230 рақамларида мавжуд бўлган икки жилдан иборат. Биринчи жилд жами 266 варакдан, ҳар бир варак икки сахифани ташкил қиласди. Нусханинг ҳар сахифаси 23 сатрдан иборат. Бу жилд муаллифнинг муқаддимасидан кейин Фотиҳа сураси билан бошланиб Оли Имрон сурасининг охирги ояти билан якунланади. Қўлёzmанинг ушбу нусхаси насх хати билан ёзилган. Ушбу жилдинг муаллифи зикр қилинмаган ва қўчирилиши хижрий 752 йилда тугалланган. Иккинчи жилди эса жами 336 варакдан иборат бўлиб Нисо сураси билан бошланиб Аъроф сурасининг сўнги ояти билан якунланади. Жилдинг 1–18 варакларининг ҳар сахифаси 33 сатрдан иборат бўлиб риқъя ёзуvida, қолган 18–366 вараклари ҳар сахифаси 27 сатрдан иборат бўлиб насх ёзуvida ёзилган. Бу жилдинг қўчирилиши хижрий 657 йилда Муҳаммад ибн Умар Ҳажжож ибн Банис Ҳажжож томонидан якуннига етказилган. Жилдинг устида Истанбулда Фотиҳ Султон Мехмед Жомесига вақф қилинганига доир бир муҳр мавжуд. Хаттот жилдинг охирда бу қўлёzmанинг “Шарҳ ат-Таъвилот”нинг иккинчи жилди эканлигини баён этади. Бу ифодадан бу нусханинг йўқолган бошка жиллари ҳам бўлганлигини хулоса қилсих мумкин.

Асарнинг тўлиқ нусхаларидан бири Тўпқопи саройи кутубхонаси 179 рақамли қўлёзма нусхаси ҳисобланади. Мадина нусхаси сифатида маълум 1058 варакдан, варакнинг ҳар сахифаси 43 сатрдан иборат ва насх усулида ёзилган. Бу қўлёзма тўлиқ шаклда бўлиб тафсир ва таъвил тушунчаларига ойдинлик киритиш билан бошланиб Нас сураси билан якуннига етади. Нусханинг устида бир муҳр ва Аҳмад Ориф Ҳикмат Бек томонидан вақф қилинганлиги белгиси мавжуд. Ушбу қўлёzmани хижрий 1182 йилда Ҳофиз Муҳаммад Эфенди қўчирган.

Боязид Кутубхонаси 423, 424, 425 ва 426 рақамли қўлёзмалар асарнинг энг муҳим нусхаларидан ҳисобланади. Валиюддин нусхаси сифатида маълум 5 жилдан иборат. Биринчи жилд 423 рақамли ёзма бўлиб жами 286 варакдан, ҳар бир сахифаси эса, 31 сатрдан иборат. Тафсирнинг бошидан бошланиб, Оли Имрон

сурасининг охирда тугайди. Иккинчи жилд 424 рақамли, жами 288 варакдан, ҳар бир сахифаси 31 сатрдан иборат. Нисо сураси билан бошланиб, Аъроф сураси охирда якунланади. Учинчи жилд 425 рақамли бўлиб, жами 262 варакдан, ҳар сахифаси 33 сатрдан иборат. Анфол сураси билан бошланиб, Муминун сурасининг охирги ояти билан якуннига етади. Ушбу уч жилдинг кимлар томонидан ва қачон қўчирилганига оид маълумотлар учрамайди. Фуод Сезгин бу уч жилдни хижрий саккизинчи асрга доирлигини таъкидлаган. Тўртинчи жилд йўқолган деб ҳисобланади ва Нур сураси билан бошланиб Сабъа сураси билан тугаганлиги тахмин қилинади. Бешинчи жилд 426 рақамли ва жами 371 варакдан, ҳар сахифаси эса 31 сатрдан иборат. Фотир сураси билан бошланиб, Нас сурасининг охирги ояти билан якунланади. Бу охирги жилдинг ким томонидан ва қачон қўчирилгани ҳақида маълумот йўқ. Фуад Сезгин бу жилд хижрий тўққизинчи асрда қўчирганини таъкидлади (Fuad Sezgin, 1983).

Асарнинг Ҳиндистонда “Банкипоре Ориентал Публис” кутубхонасида сақланаётган қўлёзма нусхаси ҳам мавжуд бўлиб ушбу қўлёзма нусаси 294 рақам остида сақланади. Ушбу нусха тафсирнинг бошидан бошланиб Бақара сурасининг 238-оятида якуннига етади. Фуад Сезгин ва Али Риза Карабулут бу нусха рақамини 1470, вараклар сонини 184 эканини айтишади (Karabulut, 1990:4/2555).

Бу ерда ургу беришимиз керак бўлган яна бир жиҳат бор: Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асаринини Истанбул нашрини муҳакқиқлари, “Таъвилот ал-Қуръон”ни таҳқиқини қиласди экан “Шарҳ ат-Таъвилот”нинг қўлёzmаларига ҳам назар ташлаганлар (Vanlıoğlu, 2019:1/58). Бу тадқиқотни қилишда Сулаймония кутубхонасидаги 176 рақамли қўлёзма Ҳамидийя нусхасини асос қилиб олганлар (Vanlıoğlu, 2019:1/7). “Таъвилот ал-Қуръон” таҳқиқига масъул бўлган Бекир Топалоглу ҳам асос қилиб олинган “Шарҳ ат-Таъвилот” нусхасини Кахф сурасидан кейин “Таъвилот ал-Қуръон”нинг матнини ўзи бўлиб шарҳ ёки талиқ мавжуд эмаслигини таъкидлади (Bekir Topaloğlu, 2019). Топалоглунинг бу мулоҳазаларига биз ҳам қўшиламиз. Чунки асос қилинган бу нусха юқорида айтиб ўтганимиздек, иккинчи асл нусхадан қўчирилган қўлёzма ҳисобланади. Лекин Топалоглунинг бу мулоҳазалари фақат Ҳамидийя нусхаси учун

ҳақида ёки “Шарх ат- Таъвилот”нинг бошқа нусхалари учун айтилганми аниқ бир фикрға эга эмасмиз. Чунки олдин ҳам айтиб ўтганимиздек “Шарху Таъвилот”нинг барча қўлёзмалари бир-бирига мос келмайди ва барчаси икки асл нусхага бориб тақалади. Бироқ биз ушбу мулоҳазаларни биринчи асл нусхага нисбатан тўғри бўлиб бўлмаганини аниқлай олмадик. Чунки таҳқиқда асос олганимиз ҳар икки нусха ҳам юқорида таъкидлаганимиздек тўлиқ нусхалар эмас.

Шунингдек, Туркияning Тўпқопи саройи кутубхонасида 179 рақамда ҳам “Шарх ат- Таъвилот”нинг қўлёзма нусхаси сақланади. Ушбу нусха асарнинг тўлиқ акс этган нусхалардан бири ҳисобланади.

Саудия Арабистони “Умм ал-қуро” университетида сақланадиган 10970 рақамли қўлёзма нусхаси ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу нусха Саудия Арабистони Макка шаҳрида жойлашган Уммул куро университетида сақланади. У тўлиқ нусха бўлмасада, лекин Куръони каримнинг 23 пораси тафсирини – Бақара сураси 31-оятидан бошлаб Фоғир сураси 19 оятигача бўлган қисмини ўз ичига олади. Қўлёзманинг олд қисми (Фотиха сураси ҳамда Бақара сураси 31-оятигача) ва орқа қисми (Фоғир сураси 20-ояти)дан тушиб қолган қисми мавжуд. Нусха қачон ва ким томондан ёзилгани маълум эмас. Ҳар бир саҳифа 25 қатордан иборат. Оятлар ва муҳим мавзулар бошланиши қизил сиёҳда ёзилган. Ҳар бир лавҳада котиб томонидан пойғир ҳам қўйилган. Нусха 422 лавҳадан иборат.

Қўлёзманинг ўзига хос хусусиятларидан бири асар ҳошия қисмида мавзуларга ажратилган. Мисол учун “Намозни жамоат билан ўқиши лозимлиги”, “Илми бўлмасдан туриб гапириши мумкин эмаслиги”, каби мавзулар берилган. Унинг яна бир жиҳати шундаки, унда бир қанча тузатишлар ҳам мавжуд. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, асарни кўчирган инсон асл ёки бошқа нусхага муқобала қилган (солиширган).

Асарнинг қўлёзма нусхаларини ўрганиши жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уламолар томонидан ушбу “Шарх”га ҳошиялар ёзишга уринишлар бўлган. Бунга нусхалар четидаги изоҳларни мисол қилиш мумкин. Айниқса, ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланадиган 3249 рақамли нусхада Фотиха ва Бақара суралари баъзи чигал ўринларга ҳошия битилган. Ушбу ҳошия кейинчалик бошқа носихлар томонидан асар билан бирга кўчирилган. Зеро, Саудия

Арабистони “Умм ал-қуро” университети қўлёзмалар фондида сақланадиган 10970 рақамли қўлёзмада айнан ушбу изоҳ ва ҳошиялар мавжуд. Мазкур ҳошиялар араб ва форс тилларида ёзилган бўлиб, асосан луғавий жиҳатни ёритишига қаратилган. Шунингдек, ҳошияда бошқа тафсир китоблардан нақлларни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Замахшарийнинг “Кашшоф”идан, шунингдек, “Матлавъ” асаридан нақллар мавжуд.

Бундан “Шарх”нинг ҳошияси ҳам мавжуд деган хулоса қилиш мумкин. Ушбу ҳошия муаллифи ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланадиган 3249 рақамли нусха котиби Мұхаммад ибн Мұслим ибн Мўъмин бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Алоуддин Самарқандийнинг буюк хизматларидан бири шундаки, X асрда шуҳрат топган имом Мотуридий ва унинг асарлари, XI асрга келиб “унутилгандай” бўлганида, Самарқандий ва унинг сафдошлари Мотуридия таълимоти тиклади, дейилса, хато бўлмайди. “Шарх ат-Таъвилот” асари қўлёзма нусхаларини ўрганиш исломшунослик, хусусан, тафсиршунослик соҳасида турли янгиликларни кашф қилишга асос бўлади.

Ушбу асарда мотуридийлик таълимотининг учта етук намоёндаларининг “маҳсул”и жам бўлган, яъни Имом Мотуридийнинг таълифи, Абул Муин Насафийнинг дарс асносидаги шарҳи, Алоуддин Самарқандийнинг қўшимча изоҳлари.

Абу Мансур Мотуридий ва Алоуддин Самарқандий асарларини чуқурроқ тадқиқ қилиш, илмий ўрганиб чиқиш, IX–XII асрларда Моварооннаҳрдаги тафсир ва калом илми тарихининг янги-янги кирраларини очиб беради. Алоуддин Самарқандийнинг “Шарх ат-Таъвилот” асари юртимизда тафсир илми тараққиёт босқичларининг намунаси бўлиб, X–XII асрларда ва ундан кейинги даврдаги тафсир илми хусусиятларини тадқиқ этишда ҳамда бу борадаги янги маълумотларни топишида улкан аҳамият касб эшлиши шубҳасизdir.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bekir Topaloğlu. (2019). Te’vilatu’l-Kur’an. Istanbul: Ensar Neşriyat.
2. Fuad Sezgin. (1983). Tarixu’t-Turasi’l-Arabi. J. 1. ar-Riyod : Camiatu’l-İmam Muhammed.
3. Karabulut. (1990). Müjamu’t-Tarixi’t-Turasi. Bayrut: Dor al-Kutub al-Ilmiya.
4. Muminov A., Ziyodov Sh. (1998). Nouvelles des Manuscrits du Moyen – Orient. № VII/1,. Parij: Fişlar.

5. Vanlıoğlu. (2019). “Te’vilatu'l-Kur'an t.m”, İstanbul: Ensar neşriyat.
6. Алоуддин Самарқандий. (йили кўрсатилмаган). Ат-Таъвилот ал-Мотуридия фий баён усул ахлис-сунна ва усул ат-тавҳид”. Кўлёзма. ЎзР ФАШИ Кўлёзмалар фонди № 3249. Тошкент: нашриёти кўрсатилмаган.
7. Имом Заҳабий. (2003). Тарихул ислам ва вафаятул аъян. Байрут: Дор ал-гарб ал-исламий.
8. Ш.Зиёдов. (2003). Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. Тошкент: Ўз ФА ШИ.
9. Юсуф ибн Тугру Берди. (1984). Ал-Манҳал ас-софий. Қоҳира: Ал-ҳайъа ал-мисрийя ал-омма лил-китаб.
3. Karabulut. (1990). Mujamu 't-Tarihi 't-Turasi. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiya.
4. Muminov A., Ziyadov Sh. (1998). Nouvelles des Manuscrits du Moyen-Orient. No. VII/1. Paris: Fishes.
5. Vanlıoğlu. (2019). “Te’vilatu'l-Kur'an t.m”, İstanbul: Ensar neşriyat.
6. Alauddin al-Samarkandi. (year not specified). At-Ta'wilat al-Maturidiyya fi bayan usul ahlis-sunna wa usul al-tawhid. Manuscript. UZR FASHI Manuscript Fund No. 3249. Vol. 1a. Tashkent: the publisher is not specified.
7. Imam Dhahabi. (2003). Tarikhul Islam and Wafayatul A'yan. Beirut: Dar al-gharb al-Islami.
8. Sh.Ziyodov. (2003). Moturidiy yozma merosi va uning “Kitab at-ta'wilat” asari. Tashkent: O'z FA SHI. work “Kitab at-ta'wilat”. Tashkent: Uz FA ShI.
9. Yusuf ibn Tughru Berdi. (1984). Al-Manhal al-Sufi. Cairo: Al-haya al-misriyya al-omma lil-kitab.

#### REFERENCES

1. Bekir Topaloglu. (2019). Te'vilatu'l-Kur'an. İstanbul: Ensar Neşriyat.
2. Fuad Sezgin. (1983). Tarikhut-Turasi'l-Arabi. Vol. 1. Riyadh: Camiatu'l-Imam Muhammed.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИННИГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан қўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

*Бош мұхаррір:* Ж.Каримов

*Мұхаррір:* З.Фахриддинов

*Нашр учун масъул:* З.Арслонов

*Чет тилларидаги матнлар мұхаррiri:* О.Сотволдиев

*Дизайнер-саҳифаловчи:* З.Гуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.  
**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишига 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \%$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.  
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36

@moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)